

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АКБАРАЛИЕВ БАХТИЁРЖОН БАКИРОВИЧ

РЕСУРС ЧЕКЛАНГАНДА ОБЪЕКТЛАРНИ ТАВСИФЛОВЧИ
ОПТИМАЛ ИНФОРМАТИВ ТИЗИМЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
УСУЛИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract Doctoral (DSc) dissertation

Акбаралиев Бахтиёржон Бакирович

Ресурс чекланганда объектларни тавсифловчи оптимал информатив тизимларни шакллантириш усул ва алгоритмлари..... 3

Акбаралиев Бахтиёржон Бакирович

Методы и алгоритмы формирования оптимальных информативных систем описания объектов в условиях ограниченности ресурсов 29

Akbaraliev Bakhtiyorjon Bakirovich

Methods and algorithms for the formation of optimal informative systems for describing objects in conditions of limited resources 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АКБАРАЛИЕВ БАХТИЁРЖОН БАКИРОВИЧ

РЕСУРС ЧЕКЛАНГАНДА ОБЪЕКТЛАРНИ ТАВСИФЛОВЧИ
ОПТИМАЛ ИНФОРМАТИВ ТИЗИМЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
УСУЛИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.Т370 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Нишанов Аҳрам Хасанович техника фанлар доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Мухамедиева Дилноз Тулкуновна техника фанлари доктори, профессор Гулямов Шухрат Маннапович техника фанлари доктори, профессор Нурмухамедов Толаниддин Рамзиддинович техника фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» апрель соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (199 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (+99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «17» апрель да тарқатилди. (2021 йил «01» апрель даги 1 рақамли реестр баённомаси.)



Р.Х.Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

М.А.Рахматуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда катта ҳажмли маълумотларга ишлов беришда ўта муҳим параметрлардан бири бўлган ресурсларни ҳисобга олувчи маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш ва тимсолларни таниб олиш усул ва алгоритмларни ривожлантириш ва ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда. Объектларни аниқлаш учун зарур бўлган ресурсларни эътиборга олувчи таниб олиш, синфлаштириш ва объектларни тавсифловчи оптимал информатив тизимларни шакллантириш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда олинган назарий натижаларни амалий масалаларни ечишга тадбиқи бугунги куннинг ўта долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Ҳозирги кунда таниб олишнинг мантиқий ва математик асосга эга усул ва алгоритмлари соҳа муаммоларига мосланганликлари билан ўта жозибадор бўлмоқда. Таниб олишнинг соҳа муаммоларига мослашувчан назарияси ва амалиётини ривожлантиришга нафақат Ўзбекистонда, хорижий, хусусан, Россия Федерацияси, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Сингапур, Ҳиндистон, АҚШ, Германия, Хитой ва бошқа мамлакатларда ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ахборот коммуникация технологиялари, қурилмалар ва алоқа воситаларининг жадал суратлар билан ривожланиши, жумладан, турли хил ижтимоий тармоқларни кенг миқёсда тарқалиши натижасида инсоният тарафидан ишлаб чиқиладиган маълумотларнинг салмоғи ва тури кескин тарзда ортиб бормоқда. Бундан эса маълумотлар орасидан илгари номаълум бўлган ёки қўлланмаган, нотривиал, амалий жиҳатдан фойдали, талқин қилиш имконияти мавжуд, инсон фаолиятини турли соҳаларида қарор қабул қилиш учун зарур бўладиган маълумотларни ажратиб олиш, улар орасидаги яширин боғлиқлик ва қонуниятларни аниқлаш ҳамда тақдим этиладиган маълумотларни фойдаланувчи учун қулай ва тушунарли кўринишда ифодалаш зарурати юзага келмоқда. Бу, ўз навбатида, маълумотларни синфлаштириш, кластеризация қилиш, белгилар фазоси ўлчамини пасайтириш, объектларни тавсифловчи информатив тизимларни шакллантириш бўйича усул ва алгоритмларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ахборот коммуникация технологиялари, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда бу йўналишлардаги ютуқларни давлат ва жамият ҳаётидаги барча соҳаларга кенг жорий қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Буни тасдиғи сифатида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аниқланган «...иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ... илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш ...»¹ вазифалар хизмат қилади. Мазкур

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармони.

масалалар доирасида мамлакатимизда кўплаб илмий ва амалий изланишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишда маълумотларни интеллектуал таҳлил қилишга, хусусан, ресурс чекланганда синфлаштириш, кластеризация ва объектларни тавсифловчи информатив тизимларни шакллантириш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқишга ҳамда маълумотларни интеллектуал таҳлили учун дастурий таъминот яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари ва 2017 йил 15 мартдаги ПҚ-2834-сон «Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорида ва бу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқотлар фан ва технологиялари ривожланишининг IV «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Жаҳоннинг бир қатор етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларидаги илмий мактаблар салмоқли маълумотларга ишлов бериш, маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш ва тимсолларни таниб олиш соҳаларида илмий фаолият олиб боришмоқда. Буларга мисол сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: Massachusetts Institute of Technology, University of Florida, University of Illinois at Urbana-Champaign, IBM, Google, Honeywell International, Qualcomm ва Microsoft компаниялари (АҚШ), McGill University, Concordia University, Department of Electrical and Computer Engineering, University of Waterloo (Canada), Seoul National University, KAIST, Gachon University (Жанубий Корея), University of Chinese Academy of Sciences, Key laboratory of Big Data Mining and Knowledge Management, Chinese Academy of Sciences (Хитой), Nippon Electric Corporation (NEC) ва Hitachi компаниялари, University of Tokyo (Япония), Eindhoven University of Technology (Голландия), Anna University (Хиндистон), Czech Technical University in Prague (Чехия), National University of Singapore (Сингапур),

² Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.researchgate.net>, www.elsevier.com, <https://www.nxp.com>, <http://www.machinelearning.ru>, <http://www.bmstu.ru>, <https://www.msu.ru>, <https://www.bsuir.by>, <https://habr.com> ва бошқа манбалар асосида шакллантирилган.

Universiti Teknologi Malaysia, RMIT University (Австралия), Россия фанлар академияси Ҳисоблаш маркази, Н.Э.Бауман номидаги Москва Давлат техника университети, М.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, Новосибирск Давлат техника университети, Новосибирск Давлат университети, Санкт-Петербург техника университети (Россия Федерацияси), В.М.Глушков номидаги Кибернетика институти (Украина), Белоруссия давлат университети, Белоруссия Давлат информатика ва радиоэлектроника университети (Белоруссия) ва бошқалар.

Мазкур йўналишларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор натижалар олинган: маълумотларга дастлабки ишлов бериш, хусусан, маълумотлардаги «халақит» («шовқин»)ларни бартараф этиш, маълумотларни силлиқлаш, филтрлаш усул ва алгоритмлари яратилган (Massachusetts Institute of Technology, IBM, Google, Honeywell International, Microsoft, Россия фанлар академияси Ҳисоблаш маркази, Н.Э.Бауман номидаги Москва Давлат техника университети, М.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, Санкт-Петербург техника университети, В.М.Глушков номидаги Кибернетика институти); маълумотларни таниб олиш усул ва алгоритмлари ҳамда дастурий таъминотлар ишлаб чиқилган (Россия фанлар академияси Ҳисоблаш маркази, М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, Massachusetts Institute of Technology, В.М.Глушков номидаги Кибернетика институти, Белоруссия Давлат информатика ва радиоэлектроника университети, Anna University, Czech Technical University in Prague, National University of Singapore, Gaziantep University, Universiti Teknologi Malaysia, RMIT University, IBM, Google, Honeywell International, Microsoft, Yandex); белгилар фазосининг ўлчамини камайтириш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган (Seoul National University, KAIST, University of Chinese Academy of Sciences, Key laboratory of Big Data Mining and Knowledge Management, Chinese Academy of Sciences, NEC, University of Tokyo, Eindhoven University of Technology, Россия фанлар академияси Ҳисоблаш маркази, Н.Э.Бауман номидаги Москва Давлат техника университети, М.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, В.М.Глушков номидаги Кибернетика институти, Белоруссия давлат университети).

Жаҳонда маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш ва тимсолларни таниб олишнинг мавжуд усуллари ривожлантириш ва янгиларини яратиш бўйича қатор истиқболли йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: катта хажмдаги маълумотларга дастлабки ишлов бериш; ресурсларни инобатга олган ҳолда тимсолларни таниб олиш, хусусан, объектларни тавсифловчи белгилар фазоси ўлчовини пасайтириш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш; мавжуд усул, алгоритм ва дастурий таъминотларни турли соҳа муаммоларига мослаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнги йилларда маълумотларнинг хажми ва маълумотларни тавсифловчи белгилар фазоси ўлчамини мунтазам ортиб бориши туфайли дунё олимлари томонидан маълумотларни интеллектуал таҳлили, хусусан, маълумотни (объектлар)

тавсифловчи оптимал информатив тизимларни ресурсга боғлиқ шакллантириш муаммоларига янада кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бунда тадқиқотлар икки хил йўналишда олиб борилмоқда: объектларни тавсифловчи бошланғич белгилар фазоси ўлчамини камайтириш, уларни оптималлаштириш ёки муҳим белгиларни қидириш назариясини ривожлантириш, яъни қатъий асосланган математик усул ва алгоритмларни ишлаб чиқиш; назарий тадқиқотларда олинган натижалар асосида амалий масалаларни ечишнинг алгоритмик ва дастурий таъминотларини ишлаб чиқиш. Маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш масалаларида синфлаштириш, кластеризация ва белгилар фазоси ўлчамини камайтириш хорижий олимлар М.А.Айзерман, В.В.Александров, М.Б.Айдарханов, Э.М.Браверман, В.Н.Вапник, В.И.Васильев, М.С.Ватанабе, А.Л.Горелик, Р.Гонсалес, Р.Дуда, П.М.Чеголин, Ю.И.Журавлев, Н.Г.Загоруйко, А.Г.Ивахненко, Г.С.Лбов, В.Д.Мазуров, Л.А.Растринг, М.И.Шлезингер ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган ва уларнинг ишларида баён қилинган.

Ўзбекистонда тимсолларни таниб олиш назария ва усулларини ривожланиши М.М.Камилов, тасвирларга рақамли ишлов бериш С.С.Садиқов, тимсолларни аниқлашда бўсақавий қийматлар назарияси Э.М.Алиев, тимсолларни таниб олиш назариясини тиббиётга тадбиқи Ф.Т.Адилова, баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари негизида информатив белгиларни танлаш масалалари тадқиқи З.Т.Адилова, турли типли маълумотларга дастлабки ишлов бериш назарияси Ш.Х.Фазилов, объектларга ишлов беришда дискрет дастурлаш назарияси ривожиди Р.Х.Хамдамов, тимсолларни таниб олишда корректлик масалалари тадқиқи Н.А.Игнатъев, тимсолларни таниб олишда информативликнинг эвристик мезони асосида информатив белгилар мажмуасини танлаш назария ва амалиёти А.Х.Нишановларнинг номлари билан бевосита боғлиқ.

Мазкур соҳадаги тадқиқотлар таҳлили, шуни кўрсатадики, маълумотларга дастлабки ишлов бериш етарлича тадқиқ қилинмаган, хусусан, белгилар фазоси ўлчамини камайтириш ва синфлаштириш масалалари комплекс ҳолда қаралмаган ҳамда фойдаланилган ресурслар эътиборга олинмаган. Бундан ташқари кенг тарқалган информативлик мезони учун математик қатъий асосланган ҳамда ресурсни эътиборга олувчи усул ва алгоритмларни ишлаб чиқиш муаммоси етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети илмий тадқиқот режасининг №17–019 «Маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш тамойиллари асосида катта маълумотлар массивида ахборотларнинг янгилигини баҳолаш, тизимлаштириш ва талқин қилишнинг алгоритмик усуллари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш» (2007-2011), А5-045 «Кенг кўламга мўлжалланган виртуал таълим тизими» (2012-2014), А5-051 «Видеоназорат тизимида динамик объектлар видеотасвирини қайта ишлаш алгоритмлари ва

дастурий таъминотини ишлаб чиқиш» (2015-2017), 22/19-Ф «Миллий электрон ҳукумат муҳити хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг «iGov – маслаҳат-муҳокама-мониторинг тизими»» (2019-2020) лойиҳалари доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади информативликнинг эвристик мезонлари негизида тадқиқот объектини аниқлашга ажратилган ресурсга боғлиқ оптимал информатив тизимларни шакллантириш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

диссертация тадқиқоти муаммоларини ўрганилганлик даражаларини аниқлаш мақсадида тимсолларни таниб олиш назариясининг ҳозирги ҳолати таҳлилини ўтказиш;

маълумотларни интеллектуал таҳлили, хусусан, синфлаштириш, кластеризация ва объектларни тавсифловчи информатив тизимларни шакллантириш масалаларини ҳал қилишда фойдаланиладиган информативлик мезонлар тадқиқи;

объектларни тавсифловчи оптимал информатив тизимларни шакллантириш усул ва алгоритмларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқиш;

информатив тизимларни шакллантириш мезонига мос ҳал қилувчи қонидани қуриш;

синфлаштиришдаги ҳатоликни ҳисобга олувчи информатив тизимларни шакллантириш усул ва алгоритминини ишлаб чиқиш;

ресурс чекланганда объектларни тавсифловчи ℓ информатив тизимларни шакллантириш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

синфлаштириш ва информатив тизимларни шакллантириш масалалари учун ўқув ва назорат танланмаларни шакллантириш йўллари аниқлаш;

ҳал қилувчи қонидани қуриш, ресурсга боғлиқ ва боғлиқсиз равишда объектларни тавсифловчи оптимал информатив тизимларни шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган усулларни алгоритмик ва дастурий таъминотини яратиш ҳамда тажрибавий ва реал масалаларга тадбиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қийматлари «объект-хосса» ва «объект-хосса-синф» жадвали кўринишда тақдим этилган объектларнинг (жараёнлар, ходисалар, воқеалар) белгилари (тавсифлари, таснифлари, хусусиятлари, кўрсаткичлари) олинган.

Тадқиқотнинг предмети синфлаштириш, кластеризация ва информатив тизимларни шакллантиришда фойдаланиладиган мезонлар, ёндашувлар, усуллар ва алгоритмлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишнинг назарий тадқиқотлари чизикли ва чизиксиз дастурлаш, оптималлаштириш, эҳтимоллар назарияси, математик таҳлил, дискрет математика, маълумотларни интеллектуал таҳлили ва тимсолларни аниқлаш усуллари асосланган, синфлаштириш ва ресурсга боғлиқ объектларни тавсифловчи информатив тизимларни шакллантириш ҳамда уларни ишончилигини аниқлаш бўйича тажрибавий тадқиқотлар эса дастурий мажмуа орқали амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Фишер кўринишидаги информативлик мезонига нисбатан тартиблаш усули орқали шакллантирилган ℓ информатив тизимларнинг оптимал бўлишининг етарлилик шартлари аниқланган;

объектларни тавсифловчи белгилар турли турга тегишли бўлганда эвристик мезонлардан фойдаланган ҳолда белгилар орасидаги ўзаро боғлиқликни эътиборга олувчи оптимал ℓ информатив тизимларни шакллантиришнинг такомиллаштирилган усул ва алгоритми ишлаб чиқилган;

синфлаштиришнинг хатолик коэффицентига асосланган ҳолда синфлаштириш самарадорлик ва ишончлилиқ кўрсаткичини оширувчи, нотўғри синфлаштирилган объектларни аниқловчи ва таҳлил қилувчи оптимал ℓ информатив тизимларни шакллантириш усул ва алгоритми ишлаб чиқилган;

объектларни тавсифловчи оптимал ℓ информатив тизимларни шакллантириш мезони асосида синфлаштириш масаласида ҳал қилувчи қонидани қуриш усул ва алгоритми ишлаб чиқилган;

ихтиёрий турдаги информативлик мезонига нисбатан ресурсни эътиборга олган ҳолда объектларни тавсифловчи оптимал информатив тизимларни шакллантириш усул ва алгоритми ишлаб чиқилган;

информативликнинг Фишер типидagi эвристик мезонлари асосида объектларни аниқлашга ажратилган ресурс чекланганда объектларни тавсифловчи оптимал ℓ информатив тизимларни шакллантиришнинг самарали усул ва алгоритми ишлаб чиқилган;

маълумотларни интеллектуал таҳлили масалаларида танланмаларга қўйиладиган талаблар асосида тажрибавий ўқув ва назорат танланмаларни шакллантириш қонидаси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Фишер туридаги информативлик мезони асосида объектларни тавсифловчи бошланғич белгилар фазоси ўлчамини камайтириш имконини берувчи оптимал информатив тизимларни шакллантириш процедуралари ишлаб чиқилган;

синф ва объектларни муҳимлилиқ даражаларини инобатга олган ҳолда синфлаштиришдаги хатоликларни камайтириш ва нотўғри синфлаштирилган объектларни аниқлаш имконини берувчи процедура ишлаб чиқилган;

объектни аниқлаш учун ресурс чекланганда тўла танлов усули билан бир ҳил натижа тақдим қилувчи информатив тизимларни шакллантириш алгоритмлари яратилган;

синфлаштириш ва объектларни тавсифловчи информатив тизимларни шакллантириш бўйича таклиф этилаётган усул ва алгоритмларни ишончлилигини баҳолаш имконини берувчи ўқув ва назорат танланмаларини шакллантириш процедураси яратилган;

синфлаштириш, кластеризация ва объектларни тавсифловчи оптимал информатив тизимларни шакллантириш масалаларини ечишнинг мавжуд ва диссертацияда таклиф этилган самарали алгоритмларига мос сервисга

йўналтирилган архитектура асосида веб сервис типдаги дастурий мажмуа ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Маълумотларни интеллектуал таҳлилида синфлаштириш, кластерлаш ва белгилар фазоси ўлчамини камайтириш масалаларини тўғри ва математик жиҳатдан коррект кўйилганлиги, шакллантирилган дискрет оптимизация масалаларининг ечимини топиш усулларининг қатъий математик исботланган теорема, тасдиқ ва хоссалар кўринишида ифодаланганлиги, ҳисоблашлар, шунингдек ишлаб чиқилган усул ва алгоритмларнинг тажриба синовларида ҳамда модел ва реал масалаларда олинган натижаларни солиштирилганликлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маълумотларни интеллектуал таҳлили объектларини информатив тавсифини шакллантиришда эвристик информативлик мезонлари асосида белгилар фазоси ўлчамини камайтириш ва синфлаштиришнинг қатъий математик усулларини ишлаб чиқиш орқали маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш, хусусан, тимсолларни таниб олиш назариясини ривожлантиришга хизмат қилади. Ишлаб чиқилган усул ва алгоритмлар ижтимоий соҳа, иқтисодиёт ва бошқарувда таниб олиш ва синфлаштириш тизимларини яратишда кенг кўламда қўлланилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф этилган алгоритмлар ва дастурий таъминот орқали турли замонавий таниб олиш тизимларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқишда ишчи белгилар луғатини шакллантириш ва синфлаштириш билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларини қўллаш объект, ҳодиса ва жараёнларнинг информатив тавсифи орқали идентификациялаш, таниб олиш ва синфлаштиришга сарфланадиган ресурсларни қисқартириш ва улардан оқилона фойдаланиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ресурс чекланганда объектларни тавсифловчи информатив тизимларни шакллантириш усул ва алгоритмлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

синфлаштиришнинг хатолик коэффицентига асосланган ҳолда синфлаштириш самарадорлик ва ишончлилиқ кўрсаткичини оширувчи, нотўғри синфлаштирилган объектларни аниқловчи ва таҳлил қилувчи оптимал ℓ информатив тизимларни шакллантириш усул ва алгоритми, информативликнинг Фишер типдаги эвристик мезонлари асосида объектларни аниқлашга ажратилган ресурс чекланганда объектларни тавсифловчи оптимал ℓ информатив тизимларни шакллантириш усул ва алгоритми ҳамда ҳал қилувчи қондани қуриш усул ва алгоритми асосида ишлаб чиқилган «ИВМТ_S» дастурий мажмуа Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти ДК фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2020 йил 25 августдаги 03/07-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари гидрогеологик объектларни синфлаштириш ва кластеризация қилиш орқали

иш унумдорлигини ўртача 20-30% ошириш, турли сарф-харажатларни эса 10-15% камайтириш имконини берган;

объектларни тавсифловчи белгилар турли турга тегишли бўлганда эвристик мезонлардан фойдаланган ҳолда белгилар орасидаги ўзаро боғлиқликни эътиборга олувчи оптимал ℓ информатив тизимларни шакллантиришнинг такомиллаштирилган усул ва алгоритми, ва улар асосида ишлаб чиқилган «IBMT_S» дастурий мажмуа Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази ДУК фаолиятига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 25 сентябрдаги 33-8/5595-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари телекоммуникация тармоқлари техник ҳолатини таснифловчи информатив параметрларни аниқлаш ҳамда телекоммуникация тармоқлари ва тармоқ фойдаланувчиларини синфлаштириш орқали меҳнат самарадорлигини ўртача 20-30% ошириш, вақт ва бошқа ресурслар сарфини 40% қисқартириш имконини берган;

ихтиёрий турдаги информативлик мезонига нисбатан ресурсни эътиборга олган ҳолда объектларни тавсифловчи оптимал информатив тизимларни шакллантириш усули ва улар асосида ишлаб чиқилган дастурий восита Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 25 сентябрдаги 33-8/5595-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари иш унумдорлигини ўртача 10-15% ошириш иш ҳажми ва молиявий харажатларни мос равишда 10-20% ва 5-8% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий назарий ва амалий натижалари 11 та халқаро ва 5 та республика илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларида маъруза ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотлар мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, шулардан, 12 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек ЭХМ учун яратилган дастурий маҳсулотларни рўйхатга олишда 4 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 184 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНING АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига тадқиқотнинг мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олиниб, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги

асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқи, ишнинг синов натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «**Маълумотларни интеллектуал таҳлили масалаларини ҳал қилиш усул ва алгоритмлари**» бобида маълумотларни интеллектуал таҳлилининг асосий масалалари ва уларни ҳал қилиш босқичлари келтириб ўтилган, бундан ташқари синфлаштириш, кластеризация ва белгилар фазоси ўлчовини камайтириш бўйича мавжуд усуллар ва алгоритмлар назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Мазкур бобнинг сўнги параграфида олиб борилган таҳлил натижалари асосида диссертация тадқиқоти мақсади ва асосий масалалари ҳамда ушбу масалаларнинг математик қўйилиши шакллантирилган.

Фараз қилайлик, X ўқув танланма берилган бўлсин

$$\begin{aligned} X &= \bigcup_{p=1}^r X_p, X_p \cap X_q = \emptyset, p \neq q, \quad p, q = \overline{1, r}, \\ X_p &= \{x_{p1}, x_{p2}, \dots, x_{pm_p}\}, \end{aligned} \quad (1)$$

бунда $x_{pi} = (x_{pi}^1, x_{pi}^2, \dots, x_{pi}^N) \in D^N, i = \overline{1, m_p}, D^N$ – белгилар фазоси.

Танланма элементлари оддий ёки бир хил тасодикий тақсимланган (*independent identically distributed, i.i.d.*).

Умумийликка зид бўлмаган ҳолда белгилар фазосини белгилаш учун D^N ўрнига X дан фойдаланмиз.

$c = (c_1, c_2, \dots, c_N) \in R^N$ вектор орқали объектларни аниқлаш учун талаб этиладиган ресурсни белгилаб оламиз, бунда c_j ($j = \overline{1, N}$) объектнинг j – белгисини аниқлаш учун зарур бўлган ресурс харажатлари. Объект аниқлаш учун жами $c_0 \in R$ ресурс ажратилган бўлсин.

Изоҳ 1. Ресурс - бу бошланғич маълумотларни олиш учун сарфланадиган харажатлар миқдори.

Объектларни тавсифловчи оптимал информатив тизимларни шакллантириш (ОИТШ) да $\lambda = (\lambda^1, \lambda^2, \dots, \lambda^N)$ вектордан фойдаланамиз

$$\lambda: X \rightarrow X|_{\lambda} = \{x | x = (\lambda^1 x^1, \lambda^2 x^2, \dots, \lambda^N x^N)\}$$

бунда $\lambda^j \in \{0, 1\}$ ($j = \overline{1, N}$).

Агар $\lambda^j = 1$ бўлса, у ҳолда j -чи белги ОИТШда иштирок этади, акс ҳолда иштирок этмайди.

Диссертация ишида ҳал қилиниши кўзда тутилган масалаларнинг математик қўйилишини қуйидагича шакллантириб оламиз:

$$\text{I. } \begin{cases} I(\lambda) \rightarrow \text{extr} \\ \lambda \in \Lambda^{\ell} \end{cases}, \quad \text{II. } \begin{cases} I(\lambda) \rightarrow \text{extr} \\ \lambda \in \Lambda^{\ell} \\ (c, \lambda) \leq c_0 \end{cases},$$

бунда $I(\lambda)$ – информативлик мезони, I – ОИТШ (ресурсга боғлиқсиз), II – ОИТШ (ресурс чекланганда).

III. Шундай $\mathfrak{R}: X \rightarrow R$ функция (алгоритм) қуриш талаб этиладигани, мазкур функция учун қуйидаги ўринли бўлсин:

$\forall x \in X_p (p = \overline{1, r})$ учун $\mathfrak{R}(x, X_p |_\lambda) = \text{extr}_{q=\overline{1, r}} \mathfrak{R}(x, X_q |_\lambda)$,

бунда $X_p |_\lambda = \{x \in X_p | x = (\lambda^1 x^1, \lambda^2 x^2, \dots, \lambda^N x^N)\}$, x – синфлаштириш учун тақдим этилган объект.

IV. Ихтиёрий N, r натурал сонлар берилган бўлсин. У ҳолда шундай $X \subseteq R^N$ танланма шакллантириш талаб этиладики, у учун $X = \bigcup_{p=1}^r X_p$, $X_p \cap X_q = \emptyset, p \neq q, p, q = \overline{1, r}$ ўринли бўлсин.

Диссертациянинг иккинчи «**Маълумотларни интеллектуал таҳлили масалаларини ечишдаги информативлик мезонлар тадқиқи**» боби тимсолларни таниб олиш, синфлаштириш, кластеризация, муҳим белгиларни танлаб олиш масалаларини ҳал қилишда кенг фойдаланиладиган мезонлар таҳлиliga ҳамда муайян усул ва алгоритмларнинг самарадорлик, информативлик ва ишончлилик баҳоларига бағишланган.

2.1-параграфда асосий тушунчалар, белгилашлар ва таърифлар ҳамда ўқув танланма объектлари орасидаги яқинлик ёки ўхшашлик ўлчовларини аниқлаш йўллари келтириб ўтилган.

Фараз қилайлик, X ўқув танланма (1) кўринишида аниқланган бўлсин.

1. Агар $X \subset R^N$ бўлса, у ҳолда объектлар орасидаги яқинлик функцияси Эвклид метрикасидан фойдаланган ҳолда масофа кўринишида аниқланади.

2. Агар X танланма объектларини тавсифловчи белгилар $\{0,1\}$ ёки $\{1,2, \dots, K\}$ тўпламлардан қийматлар қабул қилса, у ҳолда $\forall x, y \in X$ объектлар орасидаги яқинлик функцияси (ρ) ва масофа (d) ни қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$a) \quad \rho(x^j, y^j) = \begin{cases} 1, & \text{агар } x^j = y^j \\ 0, & \text{агар } x^j \neq y^j \end{cases} \quad (2)$$

b) $\varepsilon_1, \varepsilon_2, \dots, \varepsilon_N$ – мусбат сонлар берилган бўлсин.

$$\rho(x^j, y^j) = \begin{cases} 1, & \text{агар } |x^j - y^j| \leq \varepsilon_j \\ 0, & \text{агар } |x^j - y^j| > \varepsilon_j \end{cases} \quad (3)$$

$$\rho(x, y) = \sum_{j=1}^N \rho(x^j, y^j) \quad (4)$$

$$d(x, y) = N - \rho(x, y) \quad (5)$$

Изоҳ 2. Агар белгилар $\{0,1\}$ ёки $\{1,2, \dots, K\}$ лардан қиймат қабул қилса, у ҳолда объектлар орасидаги яқинлик функцияси мос равишда (2) ёки (3) орқали аниқланади.

Таъриф 1. Агар $\sum_{j=1}^N \lambda^j = \ell$ бўлса, у ҳолда $\lambda = (\lambda^1, \lambda^2, \dots, \lambda^N)$ вектор ℓ информатив дейилади.

Барча ℓ информатив векторлар тўпламини Λ^ℓ орқали белгилаймиз:

$$\Lambda^\ell = \{ \lambda: \sum_{j=1}^N \lambda^j = \ell, \lambda^j \in \{0,1\}, j = \overline{1, N} \}.$$

Кўриниб турибдики, Λ^ℓ тўплам қуввати қуйидагига тенг

$$|\Lambda^\ell| = C_N^\ell = \frac{N!}{\ell! (N - \ell)!}$$

У ҳолда

$$\Lambda^\ell: X \rightarrow X |_{\Lambda^\ell} = \{X |_\lambda | \lambda \in \Lambda^\ell\}. \quad (6)$$

Таъриф 2. $X|_{\lambda} \in X_{\Lambda^{\ell}}$ тизим $I(\lambda)$ га нисбатан оптимал дейилади, агар $\exists \lambda \in \Lambda^{\ell}$ учун $I(\lambda) = \underset{\mu \in \Lambda^{\ell}}{\text{extr}} I(\mu)$ ўринли бўлсин.

У ҳолда ОИТШ масаласини оптималлаштириш масаласига келтириш мумкин

$$\begin{cases} I(\lambda) \rightarrow \text{extr} \\ \lambda \in \Lambda^{\ell} \end{cases}, \quad (7)$$

бунда $I(\lambda)$ – информативлик (самарадорлик) мезони.

$\lambda \in \Lambda^{\ell}$ векторга нисбатан берилган X_p ($p = \overline{1, r}$) синф объектлари орасидаги яқинлик ўлчови сифатида қуйидаги катталиқдан фойланамиз:

$$X \subset R^N \text{ да: } S_p(\lambda) = S_p(X_p)|_{\lambda} = \sqrt{\frac{1}{m_p} \sum_{i=1}^{m_p} \sum_{j=1}^N \lambda^j (x_{pi}^j - \bar{x}_p^j)^2}.$$

$x^j \in \{0,1\}$ ёки $x^j \in \{1,2, \dots, K\}$ да:

$$S_p(\lambda) = S_p(X_p)|_{\lambda} = \sqrt{\frac{2}{m_p(m_p - 1)} \sum_{i=1}^{m_p} \sum_{k=i+1}^{m_p} d(x_{pi}, x_{pk})|_{\lambda}}.$$

$\lambda \in \Lambda^{\ell}$ векторга нисбатан берилган X_p ва X_q ($p, q = \overline{1, r}$) синфлар объектлари орасидаги яқинлик ўлчови:

$X \subset R^N$ да:

$$R_{pq}(\lambda) = R_{pq}|_{\lambda} = \sqrt{\sum_{j=1}^N \lambda^j (\bar{x}_p^j - \bar{x}_q^j)^2}.$$

$x^j \in \{0,1\}$ ёки $x^j \in \{1,2, \dots, K\}$ да:

$$R_{pq}(\lambda) = R_{pq}|_{\lambda} = \sqrt{\frac{1}{m_p m_q} \sum_{i=1}^{m_p} \sum_{k=1}^{m_q} d(x_{pi}, x_{qk})|_{\lambda}}.$$

бунда $d(x, y)|_{\lambda} = \sum_{j=1}^N \lambda^j - \rho(x, y)|_{\lambda}$, $\bar{x}_p - X_p$ синф ўрталаштирилган объекти.

ОИТШ учун информативлик мезони сифатида қуйидаги функционалдан фойдаланамиз:

$$I(\lambda) = \frac{\sum_{p=1}^{r-1} \sum_{q=p+1}^r R_{pq}^2(\lambda)}{\sum_{p=1}^r S_p^2(\lambda)}.$$

Маълум бир белгилашлар киритиш орқали мазкур функционални қуйидаги кўринишга келтириб олиш мумкин

$$I(\lambda) = \frac{(a, \lambda)}{(b, \lambda)} \quad (8)$$

бунда $a = (a_1, a_2, \dots, a_N) \in R^N$, $b = (b_1, b_2, \dots, b_N) \in R^N$.

Диссертациянинг учинчи «**Объектларни тавсифловчи оптимал информатив тизимларни шакллантириш ва унга мос ҳал қилувчи қондани қуриш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш**» бобида оптимал информатив тизимларни шакллантириш усул ва уларни амалга ошириш

алгоритмлари ҳамда оптимал ℓ информатив тизимларни шакллантириш мезонига мос ҳал қилувчи қондани қуриш усули таклиф этилган.

3.1-параграфда «Тартиблаш» усули учун ОИТШ етарлилик шартлари келтириб ўтилган. Фишер мезонига нисбатан ОИТШ ва уни сифатини баҳолаш масаласини қуйидагича ифодалаб олиш мумкин:

$$\begin{cases} I(\lambda) = \frac{(a, \lambda)}{(b, \lambda)} \rightarrow \max \\ \lambda \in \Lambda^\ell \end{cases} \quad (9)$$

a ва b векторлар компоненталари учун қуйидаги нисбатларни ҳисоблаб оламиз:

$$\frac{a_1}{b_1}, \frac{a_2}{b_2}, \dots, \frac{a_N}{b_N} \quad (10)$$

Маълумки, тартиблаш усули орқали шакллантирилган информатив тизимлар ҳар доим ҳам оптимал бўлавермайди. Қуйида тартиблаш усули орқали шакллантирилган информатив тизимларнинг оптимал бўлишининг етарлилик шартлари келтириб ўтилган.

Фараз қилайлик, $a_i \geq 0, b_i > 0$ ($i = \overline{1, N}$) учун қуйидаги ўринли бўлсин:

$$\frac{a_1}{b_1} \geq \frac{a_2}{b_2} \geq \dots \geq \frac{a_N}{b_N}. \quad (11)$$

У ҳолда $\lambda_0 = (\underbrace{1, 1, \dots, 1}_\ell, \underbrace{0, 0, \dots, 0}_{N-\ell})$ деб белгилаб оламиз.

У ҳолда қуйидагилар ўринли

Теорема 1. Агар ихтиёрий $\ell, 1 < \ell < N - 1$ ва $\forall k > \ell$ да

$$b_k > b_\ell \geq b_{\ell-1} \geq \dots \geq b_2 \quad (12)$$

бўлса, у ҳолда λ_0 (9) масала учун оптимал ечим бўлади.

Теорема 1 даги (12) шартни енгиллаштириш имконини берувчи баъзи хусусий ҳолларни кўриб ўтамиз, айнан, қуйидаги шартларни бажарилишини талаб этамиз:

$$\frac{a_j}{b_j} - \frac{a_{j+1}}{b_{j+1}} = \alpha > 0, j = \overline{1, N-1} \quad (13)$$

Теорема 2. $\ell = 2$ бўлсин. Агар a, b векторлар учун (11),(13) ва

$$b_k \geq \frac{b_1 b_2}{b_1(k-1) + b_2(k-2)}, \quad k = \overline{3, N}$$

ўринли бўлса, у ҳолда λ_0 вектор оптимал ечим.

Теорема 3. $\ell = 3$ бўлсин. Агар a, b векторлар учун (11),(13) ва

$$b_3 \geq \frac{b_1 b_2}{2b_1 + b_2}, b_k \geq \frac{(2b_1 + b_2)b_3}{b_1(k-1) + b_2(k-2) + b_3(k-2)}, k = \overline{4, N}$$

ўринли бўлса, у ҳолда λ_0 вектор оптимал ечим.

Бу каби шартларни ℓ ($\ell < N$) ихтиёрий қийматлари учун олиш мумкин. Бунда шарт кўриниши ℓ нинг аниқ қийматига боғлиқ бўлади.

Фараз қилайлик, a, b векторлар компоненталари учун (11) бажарилсин, лекин (12) бажарилмасин. Қуйидагича сонлар кетма-кетлигини аниқлаймиз:

$$a'_1 = a_1, b'_1 = b_1, a'_j = \alpha_j a_j, b'_j = \alpha_j b_j \quad (j = \overline{2, N}), \quad (14)$$

бу ерда $\alpha_2 > \frac{b_1}{b_2}, \alpha_3 > \alpha_2 \frac{b_2}{b_3}, \dots, \alpha_\ell > \alpha_{\ell-1} \frac{b_{\ell-1}}{b_\ell}$ ва $\alpha_t > \alpha_\ell \frac{b_\ell}{b_t}, t = \overline{\ell+1, N}$.

У ҳолда $a' = (a'_1, a'_2, \dots, a'_N)$ ва $b' = (b'_1, b'_2, \dots, b'_N)$ янги вектор компоненталари учун (11) ва (12) шартларни иккаласи ҳам ўринли бўлади. Шу сабабли уларга теорема 1 ўринли бўлади. Юқорида келтирилганларга асосланиб, шуни тасдиқлаш мумкинки, (i, j) белгилар жуфтлиги учун $\frac{a_i}{b_i} = \frac{a_j}{b_j}$ шарт ўринли бўлишидан, информатив тизимларда уларнинг муҳимлик даражаси бир ҳил бўлиши келиб чиқмайди, агар $a_i \neq a_j$ ёки $b_i \neq b_j$ бўлса.

Теорема 4. Агар $2 \leq t \leq \ell < k \leq N$ га тегишли ихтиёрий t, k индекслар учун $b_t \leq b_k, a_k \leq a_t$ ўринли бўлса, у ҳолда λ_0 (9) учун оптимал ечим бўлади.

Теорема 5. Агар $2 \leq i \leq \ell < j \leq N$ га тегишли ва $\lambda \in \Lambda^\ell$ векторнинг нолдан фарқли ихтиёрий (i, j) индекслари жуфтлиги учун $b_j \leq b_i$ бўлсин. У ҳолда

а) агар $\frac{(a, \lambda_0)}{(b, \lambda_0)} \leq \frac{a_j - a_i}{b_j - b_i}$ бўлса, у ҳолда λ_0 (9) учун оптимал ечим бўлади;

б) агар $\frac{(a, \lambda_0)}{(b, \lambda_0)} > \frac{a_j - a_i}{b_j - b_i}$ бўлса, у ҳолда $I(\lambda) > I(\lambda_0)$ бўлади.

$2 \leq i \leq \ell < j \leq N$ учун қуйидагича белгилашлар киритиб оламиз

$$K_1 = \left\{ (i, j) : \frac{(a, \lambda_0)}{(b, \lambda_0)} \leq \frac{a_j - a_i}{b_j - b_i} \right\}, K_2 = \left\{ (i, j) : \frac{(a, \lambda_0)}{(b, \lambda_0)} > \frac{a_j - a_i}{b_j - b_i} \right\}.$$

$$\sum_{(i, j) \in K_1} (b_j - b_i) \left(\frac{(a, \lambda_0)}{(b, \lambda_0)} - \frac{a_j - a_i}{b_j - b_i} \right) \geq \sum_{(i, j) \in K_2} (b_j - b_i) \left(\frac{(a, \lambda_0)}{(b, \lambda_0)} - \frac{a_j - a_i}{b_j - b_i} \right). \quad (15)$$

Теорема 6. Агар ихтиёрий $\lambda \in \Lambda^\ell$ учун (15) тенгсизлик ўринли бўлса, у ҳолда λ_0 оптимал, акс ҳолда $I(\lambda) > I(\lambda_0)$ бўлади.

3.2-параграфда эвристик мезон сифатида (8) кўринишидаги Фишер функционалидан фойдаланган ҳолда ОИТШ учун такомиллаштирилган «Самара» усули ва уни амалга ошириш алгоритми таклиф этилган.

a ва b вектор компоненталари учун $a_i > 0, b_i > 0, i = \overline{1, N}$ деб олиш мумкин.

Агар белгини аниқлаш учун ҳисоблаш (ўлчаш)лар мураккаблиги ва/ёки талаб этиладиган ресурслар турлича бўлса, у ҳолда ОИТШ учун (9) масалани барча оптимал ечимларини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

(9) масалани ҳал қилиш учун ёрдамчи вектор-функционал киритиб оламиз:

$$\begin{aligned} \varphi(\lambda) &= a(b, \lambda) - b(a, \lambda), \\ \varphi(\lambda) &= (\varphi_1(\lambda), \varphi_2(\lambda), \dots, \varphi_N(\lambda)) \in R^N. \end{aligned}$$

Ушбу вектор-функционал ОИТШ учун стратегияни аниқлашда муҳим ҳисобланади.

$\varphi(\lambda)$ вектор-функционал учун қуйидаги тасдиқ ўринли бўлади.

Тасдиқ 1. $\lambda, \mu \in \Lambda^\ell$ бўлсин. $I(\mu) \geq I(\lambda)$ учун $(\varphi(\lambda), \mu) \geq 0$ шартни бажарилиши зарур ва етарли.

$\varphi(\lambda) \in R^N$ бўлгани учун унинг компоненталарини тартиблаб олиш мумкин, яъни

$$\varphi_{j_1}(\lambda) \geq \varphi_{j_2}(\lambda) \geq \dots \geq \varphi_{j_N}(\lambda) \quad (16)$$

(16) дан фойдаланган ҳолда қуйидагича $\mu(\lambda) = (\mu_1, \mu_2, \dots, \mu_N)$ градиент вектор аниқлаб оламиз, бунда

$$\begin{aligned} \mu_{j_1}(\lambda) &= \mu_{j_2}(\lambda) = \dots = \mu_{j_\ell}(\lambda) = 1, \\ \mu_{j_{\ell+1}}(\lambda) &= \mu_{j_{\ell+2}}(\lambda) = \dots = \mu_{j_N}(\lambda) = 0. \end{aligned}$$

Кўриниб турибдики, $\mu(\lambda) \in \Lambda^\ell$ бўлиб, унинг учун қуйидаги ўринли

$$(\varphi(\lambda), \mu(\lambda)) = \max_{\eta \in \Lambda^\ell} (\varphi(\lambda), \eta).$$

Хосса 1. $\forall \lambda \in \Lambda^\ell$ ва $\mu(\lambda) \in \Lambda^\ell$ учун $(\varphi(\lambda), \mu(\lambda)) \geq 0$ ўринли.

Тасдиқ 2. Агар $I(\lambda) = I(\mu(\lambda))$ шарт ўринли бўлса, у ҳолда $\mu(\lambda)$ вектор (9) учун оптимал.

Умуман олганда, ҳар бир олдиндан берилган ℓ учун объектларни тавсифловчи оптимал ℓ информатив тизимлар бир нечта бўлиши мумкин, яъни (9) масала учун оптимал ечимлар бир нечта бўлиши мумкин.

